



## **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI**

2023 yil « 10 » октябрь

№ ПК–329

### **Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Темир йўл транспорти соҳасини ислоҳ қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, бизнес жараёнларини рақамлаштириш, бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш ҳамда республиканинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида:

**1.** Қуйидагилар темир йўл транспорти соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

темир йўлда ташиш хизматлари бозорида рақобатни шакллантириш ва жозибадор инвестиция муҳитини яратиш орқали ташиш жараёнларига хусусий инвестицияларни жалб қилиш;

темир йўл соҳасини трансформация қилиш ва рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, хизматлар кўрсатиш жараёнининг узлуксизлиги, сифатлилиги, хавфсизлиги, барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлаш;

темир йўл корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, йўловчи ва юк ташишда таннарх ва харажатларни камайтириш, операцион самарадорликни таъминлаш борасида ҳисобдорлик ва рағбатлантирувчи муҳитни яратиш;

тадбиркорлик субъектлари учун темир йўл орқали юк ташиш хизматини кўрсатувчи вагон операторларини эркин танлаш ҳуқуқини таъминлаш;

темир йўл хизматларини кўрсатишда иқтисодий ва молиявий салоҳияти юқори бўлган йўналиш ва соҳаларга мустақил ривожланиш, шу жумладан маҳаллий ва халқаро молия бозорларига чиқиш ҳамда давлат кўмагисиз кредит ресурсларини жалб қилиш учун имконият яратиш;

темир йўл соҳасидаги давлат улуши мавжуд компанияларда корпоратив бошқарув тизимини тубдан яхшилаш, соҳага малакали хорижий менежерлар ва мутахассисларни жалб қилиш.

**2.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлигининг “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар негизида 2024 йил 1 январга қадар алоҳида йўналишлар бўйича қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

йўл хўжалиги, электр таъминоти, сигналлаштириш ва алоқа, локомотив хўжалиги, ягона диспетчерлик маркази ва юк станциялари иш фаолиятини таъминлаш ҳамда мазкур инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича **“Темирйўлинфратузилма” АЖ;**

юк ташиш хизматларини амалга ошириш, юк вагон ва контейнер хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш, мультимодал “эшикдан эшиккача” ташувларни йўлга қўйиш, логистика марказлари ва терминаллари ташкил этиш бўйича **“Темирйўлкарго” АЖ;**

юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларда йўловчиларни ташиш хизматини кўрсатиш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш бўйича **“Темирйўлэкспресс” АЖ;**

**“Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ** таркибида вокзаллар фаолиятини таъминлаш бўйича **“Темир йўл вокзаллари” МЧЖ** ва шаҳар атрофида йўловчилар ташиш бўйича **“Шаҳар атрофида йўловчи ташиш” МЧЖ;**

болалар оромгоҳлари, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий ва спорт объектларини сақлаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган тушумларни ошириш ҳамда уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш бўйича **“Темир йўл ижтимоий хизматлар” муассасаси.**

Мазкур банд билан ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари ва муассасанинг таъсисчиси (акциядори, мулкдори) этиб холдинг сифатида **“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ** белгилансин.

**3.** “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга ўзининг таркибидаги корхоналарга бухгалтерия ҳисоби, молия, менежмент, рақамлаштириш, харидлар, кадрлар малакасини ошириш ва бошқа йўналишларда хизмат кўрсатиш вазифаси юклансин.

**4.** Қуйидагилар:

2023–2026 йилларда темир йўл транспорти соҳасини ислоҳ қилиш бўйича **“Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;**



темир йўл транспорти соҳасида ислоҳотларнинг қисқа муддатларда ва самарали амалга оширилишини таъминлаш йўлида барча мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ваколатига эга бўлган **Темир йўл транспорти соҳасида ислоҳотларни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссия** ва унинг ҳузуридаги ишчи гуруҳ таркиблари **2 ва 2а-иловага мувофиқ;**

2023–2025 йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича “йўл харитаси” **3-иловага мувофиқ;**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги айрим хўжалик жамиятлари ва корхоналарни **қайта ташкил этиш механизмлари 4-иловага мувофиқ;**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги корхоналарнинг **оммавий савдолар орқали сотиладиган акция пакетлари (улушлари) рўйхати 5-иловага мувофиқ;**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарнинг **оммавий савдолар орқали сотиладиган кўчмас мулк объектлари рўйхати 6-иловага мувофиқ;**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарнинг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларга кейинчалик **самарали фойдаланиш учун баланс қийматида текинга ўтказиладиган активлари рўйхати 7-иловага мувофиқ;**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарнинг **“Темир йўл ижтимоий хизматлар” муассасасига баланс қийматида ўтказиладиган мол-мулклари рўйхати 8-иловага мувофиқ;**

юк ташиш ҳажмини ошириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш шарти билан аукцион орқали ижарага таклиф этиладиган **темир йўл станциялари ҳудуди рўйхати 9-иловага мувофиқ;**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарни қайта ташкил этишда мол-мулкларни бериш, сотиш ҳамда сақлашнинг алоҳида тартиби **10-иловага мувофиқ;**

темир йўл транспорти секторини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш жараёнларида иштирок этувчи мутасадди ташкилотлар ва уларнинг асосий вазифалари **11-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

**5. Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи дастурларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарни модернизация қилиш, темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, локомотив ва вагонлар паркини янгилаш;

тегишли инфратузилмани яратган ҳолда Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган станцияларни шаҳардан ташқарига чиқариш ва бўшайдиган ер участкаларини онлайн аукцион орқали сотиш ҳамда тушадиган маблағларни (сотиш харажатларини чегирган ҳолда) тенг улушларда темир йўл соҳаси инфратузилмасини ривожлантиришга ва республика бюджетига йўналтириш.

**6. Темир йўлда юкларни маҳаллий, экспорт ва импорт йўналишларида ташиш тарифларига тақдим этилган чегирмалар (икки ёки ундан кўп хорижий мамлакатларнинг темир йўл маъмуриятлари билан келишувларга асосан тақдим этилган чегирмалар бундан мустасно) 2024 йил 1 январдан бекор қилинсин ҳамда уларни фақат Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тақдим этиш тартиби жорий этилсин.**

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) **2023 йил 1 декабрга** қадар темир йўлларда юкларни ташиш тарифларига тақдим этиладиган чегирмалар рўйхатини тасдиқласин.

**7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:**

**2024 йил 1 январдан бошлаб** юк вагонлари ва контейнерларни тақдим этиш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган ва тезюарар поездларда йўловчиларни ташиш хизматлари тарифларини давлат томонидан тартибга солиш амалиётидан воз кечиб, уларни бозор тамойиллари асосида тартибга солиш механизмига ўтиш;

**2025 йил 1 январдан бошлаб** маҳаллий йўналишларда йўловчиларни ташиш хизматларини (юқори тезликда ҳаракатланадиган ва тезюарар поездларда йўловчиларни ташиш бундан мустасно) кўрсатишдан кўрилган зарарлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан темир йўл транспортида юк ташиш хизматларига берилган чегирмаларни Давлат бюджети ҳисобидан компенсация қилиш.

Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** маҳаллий йўналишларда йўловчиларни ташиш хизматларини кўрсатишдан кўрилган зарарлар ҳамда темир йўл транспортида юк ташиш хизматларига берилган чегирмаларни (Public service obligation) Давлат бюджети ҳисобидан компенсация қилиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.



## 8. Белгилансинки:

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари, магистраль локомотив ва рўйхати Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланадиган махсус вагонларнинг учинчи шахсларга сотилиши, бегоналаштирилиши ёки бошқарувга ўтказилишига рухсат этилмайди;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари, локомотивларни тақдим этиш, маҳаллий йўналишларда йўловчиларни ташиш хизматлари (юқори тезликда ҳаракатланадиган ва тезюрар поездларда йўловчиларни ташиш бундан мустасно) тарифлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тартибга солинади.

9. Давлат активларини бошқариш агентлиги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг активларини савдога чиқаришда харид тўловларини, миқдоридан қатъи назар, **5 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш** имкониятини назарда тутсин ҳамда уч ойдан ортиқ муддат мобайнида сотилмасдан турган активларнинг бошланғич баҳосини **30 фоизигача пасайтириш**, зарур ҳолларда баланс (қолдиқ) қийматида сотиш чораларининг кўрилишини таъминласин.

10. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Саноатни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан, истисно тариқасида, экспортни кўпайтириш учун “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга унинг таркибидаги корхоналарнинг кафиллиги асосида юк ва йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд қувватларни ошириш учун жами **150 миллион доллар** миқдоридаги кредит маблағларини йиллик 5 фоиз ставкада, 3 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга тўғридан-тўғри ажратсин.

Белгилансинки, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ва улар доирасида тузилган шартномалар “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилади.

11. Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ орқали жалб қилинган Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитлари бўйича асосий қарзни қайтариш муддатини, фоиз ставкаларини ўзгартирмаган ҳолда, беш йилга узайтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, Марказий банкка, истисно тариқасида, “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖга нисбатан кредитлар бўйича асосий қарзни қайтариш муддатини узайтириш натижасида активлар сифатини таснифлаш бўйича талабларни ва жарималарни қўлламаслик тавсия этилсин.

**12. Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ икки ой муддатда:**

а) Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан биргаликда қуйидаги лойиҳаларнинг самарадорлигини ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин:

“Навоий КМК” АЖ билан биргаликда “Навоий-Учқудуқ” темир йўл участкасини электрлаштириш;

“Олмалиқ КМК” АЖ билан биргаликда “Тошкент-Ангрен” темир йўл участкасида иккинчи электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш, мавжуд йўл участкасини модернизация қилиш ҳамда мазкур йўналишда жойлашган саноат корхоналари экспорт юкларига логистика хизматларини йўлга қўйиш учун терминал ҳамда Тошкент вилояти Оҳангарон туманида мультимодал транспорт логистика марказини ташкил этиш;

“Навоий КМК” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ ва бошқа экспортёр корхоналар томонидан темир йўл хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида транспорт логистика компанияларини ташкил қилиш;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент, Самарқанд ва Қўқон шаҳарларида жойлашган темир йўл вокзалларини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш юзасидан қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**13. 2027 йил 1 январга қадар** темир йўл транспорти хизматларини кўрсатувчи корхоналар томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган **ортиш-тушириш ишлари учун мўлжалланган механизм ва ускуналарга** (ТИФ ТН коди 8425 11 000 0, 8425 42 000 0, 8425 49 000 0) **божхона божининг ноль ставкаси қўлланилсин.**

**14. Белгилансинки, 2026 йил 1 январга қадар:**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарга ўзаро тўғридан-тўғри шартномалар асосида товарларни сотиш, ижарага бериш, харид қилиш, етказиш, иш (хизмат)ларни бажаришга;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖга, истисно тариқасида, ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларнинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида ҳаракат таркибини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуналар, товар (иш, хизмат)лар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, темир йўлларни таъмирлаш, қуриш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва техникалар ҳамда дастурий маҳсулотларни харид қилишга рухсат берилади.



**15.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга **2026 йил 1 январга қадар** темир йўл транспорти соҳасини ислоҳ қилиш доирасида халқаро экспертларни, консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчиларини, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компанияларни, истисно тариқасида, энг яхши таклифларни саралаб олиш орқали тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб этишга рухсат этилсин. Бунда, улар билан тузиладиган шартномаларни ва шартномага оид қўшимча келишувларни мажбурий экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди.

**16.** Темир йўл транспорти соҳасида ислоҳотларни мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссия:

**бир ой муддатда** белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ темир йўл транспорти соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни трансформация қилиш бўйича чоратадбирлар тасдиқланишини таъминласин;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан хусусий вагон ва контейнер операторларига темир йўл инфратузилмаси ва локомотив хизматлари тенг ҳуқуқ асосида кўрсатилишини қатъий назорат қилсин.

**17.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига **12-иловага мувофиқ** ўзгартиришлар киритилсин.

**18.** Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**19.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров ҳамда транспорт вазири И.Р. Махкамов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

2023–2026 йилларда темир йўл транспорти соҳасини ислоҳ қилиш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

| T/p                                                                                                | Тадбирлар номи                                                                                                                                              | Амалга ошириш механизми                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   | Ижро мuddатлари                                                             | Масъул ижрочилар                                                                  |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------|
| I. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг корхоналарида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш |                                                                                                                                                             |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |                                                                             |                                                                                   |
| 1.                                                                                                 | Трансформация жараёнларини мувофиқлаштириш учун профессионал ташкилотни жалб этиш.                                                                          | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (“ЎТЙ” АЖ) ва унинг таркибидаги ташкилотларни ташкил этиш жараёнларига ҳамроҳлик қилиш ва ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириб бориш ҳамда замонавий корпоратив бошқарувни жорий этиш учун жамият ҳисобидан нуфузли халқаро консалтинг ташкилотлари ва консультантларни тўғридан-тўғри жалб қилиш.                                                                                                                                                                                                                             | 2023 йил ноябрь                                                             | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 2.                                                                                                 | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузиш ва аудитдан ўтказиш. | 1. Маҳаллий ва халқаро консалтинг ташкилотларини жалб қилиш.<br>2. “ЎТЙ” АЖ ва унинг таркибидаги акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ юритиш ва эълон қилиш бўйича график ва чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>3. “Катта тўртлик”ка кирувчи аудиторлик компанияларини жалб қилиш.<br>4. “ЎТЙ” АЖ ва унинг таркибидаги акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларини аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ “катта тўртлик”ка кирувчи аудиторлик компаниялари томонидан ташқи аудитдан ўтказиш. | 2024 йил январь<br>2024 йил февраль<br><br>2025 йил апрель<br>2025 йил июнь | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |



|    |                                                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                                                     |                                                                                         |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------|
| 3. | “ЎТЙ” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарга нисбатан нотижорат мақсадларни белгилаш.                                                                                                            | <p>1. “ЎТЙ” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарнинг функция ва вазифаларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларга нисбатан нотижорат мақсадларни аниқлаш.</p> <p>2. “ЎТЙ” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарга нисбатан давлатнинг нотижорат мақсадлари (PSO) ва уни амалга ошириш шартларини тасдиқлаш.</p> <p>3. “ЎТЙ” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарга нисбатан нотижорат мақсадлар ва уларни молиялаштириш манбаларини жамият сайтига жойлаштириш.</p> | 2024 йил февраль                                                    | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Транспорт вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 4. | “ЎТЙ” АЖ ва унинг таркибидаги акциядорлик жамиятларида бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий қилиш.                                                                                         | <p>1. Маҳаллий ва халқаро консалтинг ташкилотларни жалб қилган ҳолда “ЎТЙ” АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотларнинг бошқарув тизимларини таҳлил қилиш.</p> <p>2. “ЎТЙ” АЖ ва унинг тизимидаги акциядорлик жамиятлари кесимида ISO, ERP ва бошқарувнинг бошқа замонавий тизимларини жорий қилиш графиги ва чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> <p>3. ISO, ERP ва бошқарувнинг бошқа замонавий тизимларини жорий қилиш.</p>                            | <p>2024 йил март</p> <p>2024 йил июль</p> <p>2025 йил декабрь</p>   | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Транспорт вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 5. | “ЎТЙ” АЖ ва унинг таркибидаги акциядорлик жамиятларида раиснинг молия ва трансформация масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига юқори малакали ва хорижий тажрибага эга номзодларни тайинлаш. | <p>1. Молия ва трансформация бўйича маслаҳатчи лавозимига номзодларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Хедхантер ташкилотлар ва халқаро қидирув тизим платформалари орқали хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича танлов эълон қилиш.</p> <p>3. Танлов якунларига кўра юқори малакали ва хорижий тажрибага эга мутахассисларни жалб этиш.</p>                                                                                           | <p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил март</p> | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Транспорт вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 6. | “ЎТЙ” АЖ кузатув кенгаши ва бошқаруви таркибини хорижий                                                                                                                                        | 1. Жалб қилинадиган мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                | 2023 йил ноябрь                                                     | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,                                                          |

|                                                                                                                                                                                 |                                                                                                                          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |                                                                      |                                                                                                    |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                                                                                                                                 | тажрибага эга аъзолар билан тўлдириш.                                                                                    | <p>2. Хедхантер ташкилотлар ва халқаро қидирув тизим платформалари орқали хорижий мутахассисларни (жумладан, ватандошларни) жалб этиш бўйича танлов эълон қилиш.</p> <p>3. “ЎТЙ” АЖ кузатув кенгаши ва бошқаруви таркибига камида бир нафар хорижий мутахассисни жалб этиш.</p> <p>4. “ЎТЙ” АЖ кузатув кенгаши таркибининг камида 30 фоизини ва корхона бошқарувининг камида 2 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар орасидан тўлдириш.</p> | <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил июнь</p> <p>2025 йил декабрь</p> | Транспорт вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ                                              |
| 7.                                                                                                                                                                              | “ЎТЙ” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарнинг дивиденд сиёсатини белгилаш.                                                | <p>1. Ташкилотларнинг даромадлари, харажатлари, инвестиция лойиҳалари ва кредит тўлови юкидан келиб чиқиб, дивиденд сиёсати лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Дивиденд сиёсатини тасдиқлаш учун акциядорлар умумий йиғилишига киритиш.</p>                                                                                                                                                                                                                 | <p>2024 йил март</p> <p>2024 йил июнь</p>                            | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Транспорт вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ            |
| <b>II. Темир йўл транспорти хизматлари бозорида рақобатни ривожлантиришга қаратилган шаффоф ва мослашувчан тариф тизимини яратиш йўли билан тариф сиёсатини такомиллаштириш</b> |                                                                                                                          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |                                                                      |                                                                                                    |
| 8.                                                                                                                                                                              | Тарифнинг таркибий қисмлари бўйича унинг шаффофлигини таъминловчи тариф сиёсатини такомиллаштириш.                       | Тарифнинг таркибий қисмлари (инфратузилма, локомотив ва вагон) бўйича даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тартибини назарда тутувчи тарифни таркибий қисмларга бўлиш методикасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.                                                                                                                                                                                                                                               | 2024 йил июнь                                                        | Транспорт вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ,<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги            |
| 9.                                                                                                                                                                              | Монопол ва рақобатдош хизмат турларида давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойил ва механизмларини ишлаб чиқиш. | Темир йўл транспорти соҳасининг рақобатбардош хизмат турлари тарифларини эркинлаштириш (халқаро йўналишларда, юқори тезликда ҳаракатланадиган ва тезюрар поездларда йўловчиларни ташиш, вагон парки, контейнерларни                                                                                                                                                                                                                                        | 2024 йил март                                                        | Транспорт вазирлиги,<br>Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, |



|                                           |                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  |                                         |                                                                                                                                                              |
|-------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                           |                                                                                                                                                                | бошқариш бўйича хизматлар тарифлари) механизмини ишлаб чиқиш.<br>Темир йўл транспорти корхоналари фойдаланадиган асосий товар-хонашё ресурслари нархларини акс эттирувчи макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши шароитида темир йўл транспортида ташиш тарифларини қайта кўриб чиқиш.                                                                              | доимий                                  | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар                                                             |
| 10.                                       | Имтиёзли тарифлар асосида юк (импорт, транзит ва экспорт йўналишларида) ва йўловчилар ташиш натижасида йўқотилган даромадларни қоплаш механизмини ишлаб чиқиш. | Юк ва йўловчи ташишлар учун берилган имтиёزلарни таҳлил қилиш.<br>Имтиёзли тарифлар бўйича юк ва йўловчилар ташиш натижасида йўқотилган даромадларни қоплаш механизмини ишлаб чиқиш.                                                                                                                                                                             | 2024 йил март                           | Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги                                                                            |
| 11.                                       | Темир йўл инфратузилмаси ва локомотивлардан фойдаланувчиларга тенг ҳуқуқлар асосида хизматларни тақдим этишни таъминлаш.                                       | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан хусусий операторларга темир йўл инфратузилмаси ва локомотив хизматлари тенг ҳуқуқ асосида тақдим этилишини назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш;<br>Локомотив, инфратузилма ва вагон хизматларидан фойдаланиш тарифларининг тақсимот методикасини ишлаб чиқиш;<br>Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2024 йил сентябрь                       | Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| <b>III. Йўловчи ташишни ривожлантириш</b> |                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  |                                         |                                                                                                                                                              |
| 12.                                       | 6 (олти)та юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларни харид қилиш.                                                                                        | 6 та юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларни харид қилиш бўйича “Hyundai Rotem” (Жанубий Корея) компанияси билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш;<br>молиялаштириш бўйича Жанубий Корея Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармасининг (EDCF) 35 йил муддатга, шу жумладан 10 йил имтиёзли муддат билан йиллик                                         | 2023 йил октябрь<br><br>2023 йил ноябрь | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ<br>Транспорт вазирлиги<br><br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирилиги                                    |

|     |                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |                                                                                        |                                                                                                                                                                             |
|-----|--------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     |                                      | <p>0,1 фоиз ставкада бериладиган 185,0 млн. евро миқдоридаги кредитини жалб қилиш;<br/>         электропоездлар харид қилиш лойиҳасини 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатига киритиш;<br/>         электропоездларни харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан қарз битимларини имзолаш ва давлат кафолатини бериш;<br/>         электропоездларни харид қилиш доирасида қарз шартномада назарда тутилган шаклдаги Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари бўйича юридик ҳулосалар бериш.</p> | <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил февраль</p> <p>Қарз битими имзоланганидан сўнг</p> | <p>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги</p> <p>Адлия вазирлиги</p>                       |
| 13. | 30 та электропоездларини харид қилиш | <p>30 та замонавий электропоездларини харид қилиш бўйича “Skoda Transportation” (Чехия Республикаси) компанияси билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш;<br/>         электропоездлар харидини молиялаштириш бўйича Чехия банкларининг кредитларини жалб қилиш (15 йил муддатга, шу жумладан 3 йил имтиёзли муддат билан йиллик 5,5 фоиз ставкада бериладиган 350,0 млн евро);<br/>         электропоездларини харид қилиш лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатига киритиш;</p>                                     | <p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2023 йил декабрь</p>                 | <p>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Транспорт вазирлиги</p> <p>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги</p> <p>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги</p> |



|                                                                         |                                                                                                                             |                                                                                                                                                                                                                                                                                            |                                                      |                                                                                                            |
|-------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                         |                                                                                                                             | электropоездлар харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан қарз битимларини имзолаш ва давлат кафолатини бериш;<br>электropоездларни харид қилиш доирасида қарз шартномада назарда тутилган шаклдаги Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари бўйича юридик ҳулосалар бериш. | 2024 йил март<br><br>Қарз битими имзоланганидан сўнг | Иқтисодиёт ва молия вазири,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ<br><br>Адлия вазирлиги                        |
| 14.                                                                     | Барча темир йўл вокзалларида савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил қилиш.                                             | Барча темир йўл вокзалларидаги майдонларни оптимизация қилиш ҳисобига бўшайдиган ҳудудларда савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил қилиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига аукцион орқали ижарага бериш.                                                                           | 2024 йил 1 декабрь, доимий равишда                   | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ,<br>Давактив агентлиги                                                       |
| 15.                                                                     | Марказий вокзалларнинг кириш жойларигача йўловчи автотранспорт воситаларининг киришига рухсат бериш масаласини кўриб чиқиш. | Марказий вокзалларнинг кириш жойларигача барча турдаги йўловчи автотранспорт воситаларининг киришига рухсат бериш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.                                                                                                                                               | 2024 йил 10 март                                     | Ички ишлар вазирлиги,<br>Миллий гвардия,<br>Транспорт вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ          |
| <b>IV. Соҳада операцион самарадорликни ва транзит салоҳиятни ошириш</b> |                                                                                                                             |                                                                                                                                                                                                                                                                                            |                                                      |                                                                                                            |
| 16.                                                                     | Чегара ҳудуди станцияларини ривожлантириш.                                                                                  | “Оққўприк” станциясининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш.                                                                                                                                                                                                                                 | 2023–2024 йй.                                        | Вазирлар Маҳкамаси,<br>Транспорт вазирлиги,<br>Тошкент вилояти ҳокимлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 17.                                                                     | Поездлар ҳаракати жараёнини оптималлаштириш.                                                                                | Зарур бўлган участкаларда қўшимча разъездлар қуриш.<br>Локомотивларнинг алмашиш елкасини узайтириш йўли билан узайтирилган маршрутли поездлар ҳаракатини ташкил қилиш.                                                                                                                     | 2023–2026 йй.<br><br>доимий равишда                  | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ                                                                              |
| 18.                                                                     | Логистика марказлари ва шохобча йўлларни ривожлантириш.                                                                     | Тегишли вазирликлар ва идоралараро ишчи гуруҳлар тузиш.                                                                                                                                                                                                                                    | 2023 йил октябрь                                     | Транспорт вазирлиги,                                                                                       |

|                                                                   |                                                                                                                                                                          |                                                                                                                                                                                                                                                             |                                                |                                                                       |
|-------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------|
|                                                                   |                                                                                                                                                                          | <p>Логистика марказлари ва шохобча йўлларидаги ортиб – тушириш механизмлари, инфратузилмаси ҳолатини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>Халқаро тажрибани ўрганган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклиф киритиш.</p>                             | <p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> | <p>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, тегишли вазирликлар ва идоралар</p> |
| 19.                                                               | Темир йўл ва автомобиль йўллари кесишмаларида хавфсизлик даражасини ошириш.                                                                                              | Йўл ҳаракати қоидаларни назорат қилувчи “ақлли” қурилмаларни темир йўл кесишмаларида ўрнатиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.                                                                                    | 2024 йил январь                                | Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Солиқ қўмитаси             |
| 20.                                                               | ДХШ иштирокида темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш.                                                                                      | Тошкент—Самарқанд йўналишида юқори тезликдаги алоҳида йўловчи ташиш темир йўлини қуриш лойиҳасини ДХШ шартлари асосида бериш бўйича лойиҳанинг ТИАси ишлаб чиқишлигини таъминлаш.                                                                           | 2024 йил декабрь                               | Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ                    |
| 21.                                                               | Логистика хизматларини ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрида юк омборлари қуриш.                                                                                       | Логистика хизматларини ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида 100 гектаргача майдонда юк омборларини қуриш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.                                                                                | 2024 йил февраль                               | Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Инвестициялар, савдо ва саноат вазирлиги     |
| 22.                                                               | Андижон логистика маркази ҳудудида халқаро стандартларга мувофиқ логистика марказини қуриш.                                                                              | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Rhenus Group” компанияси (Германия) томонидан қўшма корхона ташкил этган ҳолда Андижон логистика маркази ҳудудида халқаро стандартларга мувофиқ логистика марказини қуриш бўйича бошқарув органлари қарорини қабул қилиш. | 2023 йил октябрь                               | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Андижон вилояти ҳокимлиги              |
| <b>V. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖни молиявий соғломлаштириш</b> |                                                                                                                                                                          |                                                                                                                                                                                                                                                             |                                                |                                                                       |
| 23.                                                               | Тижорат банкларидан жалб қилинган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан тақдим этилган кафиллик шартномалари ва юзага келган | “Ўзбеккўмир” АЖ, “Кўприкқурилиш трести” УК, “Сардоба балиқчи хўжалиги” МЧЖ, “Ўзтемирийўлйўловчи” АЖ, “Ўзтемирийўлқурилишмонтаж” УК, “Махсус механизациялашган йўл станцияси” МЧЖ, “Эйвалек махсус темир бетон” УК ва “Сардоба темир йўл                     | 2023 йил ноябрь                                | Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, тижорат банклар   |



|     |                                                                                                                                                                                                                  |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                         |                                                                                                                                                  |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|     | мажбуриятлар бўйича гаровларни қайта расмийлаштириш.                                                                                                                                                             | агросаноат мажмуаси” УКларнинг тижорат банкларидан жалб қилган кредитлари бўйича гаров таъминоти сифатида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан тақдим этилган кафиллик шартномалари ва юзага келган мажбуриятлар бўйича тегишинча ушбу корхоналарнинг мол-мулкларини гаров сифатида қайта расмийлаштириш.                                                                                                                                                                                                                                                                                           |                                         |                                                                                                                                                  |
| 24. | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб этилган кредит мажбуриятларини мазкур қарорга мувофиқ қайта ва янги ташкил этилаётган корхоналарга қайта расмийлаштириш. | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб этилган кредит мажбуриятларини мазкур қарорга мувофиқ қайта ва янги ташкил этилаётган корхоналарга қайта расмийлаштириш.<br>Бунда, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда халқаро молия институтлари ва тижорат банклари томонидан жалб қилинган кредитлар бўйича тузилган шартномаларни белгиланган тартибда тегишли корхоналарга қарз олувчи сифатида ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан берилган давлат кафолатларини қайта расмийлаштириш. | 2023 йил ноябрь<br><br>2023 йил декабрь | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги                                                                                                                    |
| 25. | “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш учун ХХР Эксимбанкнинг жалб қилинган кредити бўйича барча мажбуриятларни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖдан “Шарғункўмир” АЖга ўтказиш.             | “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш ва лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб олишга етказиш” лойиҳасини амалга ошириш учун Хитой Халқ Республикаси Эксимбанкнинг “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ орқали қайта молиялаштирилган кредити бўйича барча мажбуриятларни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖдан “Шарғункўмир” АЖга ўтказиш.<br>Кредит мажбуриятлари бажарилиши юзасидан берилган давлат кафолатини қайта расмийлаштириш.                                                                                                                                                           | уч ой муддатда                          | Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Иқтисодиёт молия вазирлиги, Давактив агентлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзсаноатқурилиш-банк” АТБ |

| <b>VI. Республика темир йўл транспортида тузилмавий ислохотларни амалга оширишга қаратилган темир йўл транспортига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш</b> |                                                                       |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                        |                                                                                                               |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 26.                                                                                                                                                                | “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш. | “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини янги таҳрирда ишлаб чиқиш.<br>Қонун лойиҳасини тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишиш.<br>Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                | 2023 йил ноябрь<br>2023 йил декабрь<br>2024 йил январь | Транспорт вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ,<br>Адлия вазирлиги,<br>тегишли вазирликлар ва идоралар |
| 27.                                                                                                                                                                | Ўзбекистон Республикаси темир йўл уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.   | Ўзбекистон Республикаси темир йўл уставини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги таҳрирда ишлаб чиқиш:<br>вазирлик ва идоралар, хусусий вагон ва контейнер операторлари ҳамда бошқа субъектларнинг темир йўл транспорти соҳасидаги вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари;<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг темир йўл транспорти соҳасидаги, темир йўл транспорти хизматлари бозори сегментларида алоҳида ўрнини таъминлаш механизмлари, шу жумладан темир йўл транспорти соҳасидаги давлат активларини жамлаш ва бошқариш;<br>темир йўл транспорти хизматлари бозори сегментларини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ажратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, барча харажатлар ва даромадлар шакллантириладиган марказларининг, айниқса, давлат бюджетидан тўғридан-тўғри молиялаштиришни талаб қиладиган хизматлар турлари бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосланган мустақил аудитини ўтказиш. | 2024 йил март                                          | Транспорт вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ,<br>Адлия вазирлиги,<br>тегишли вазирликлар ва идоралар |



|                                                                              |                                                                                                                                  |                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                         |                                                                                                                                                                           |
|------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                              |                                                                                                                                  | <p>Хужжат лойиҳасини тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишиш.</p> <p>Хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>                                                                                                      | <p>2024 йил март</p> <p>2024 йил июнь</p>                               |                                                                                                                                                                           |
| 28.                                                                          | <p>Республикада йўловчи ва юк ташувларни ривожлантиришга қаратилган транспорт моделини ишлаб чиқиш.</p>                          | <p>Транспорт моделини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳни шакллантириш.</p> <p>Ишчи гуруҳ томонидан Германия, Япония ва Хитой давлатларининг транспорт моделлари бўйича тажрибасини ўрганиш.</p> <p>Транспорт моделини ишлаб чиқиш.</p> | <p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил декабрь</p> | <p>Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Uzbekistan Airways” АЖ, “Uzbekistan Airports” АЖ, тегишли вазирлик ва идоралар</p> |
| 29.                                                                          | <p>Юк вагонларини ижарага бериш тартибини соддалаштириш.</p>                                                                     | <p>Темир йўлларда ижтимоий ва экспортбоп юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган асосий восита (юк вагон)ларни тадбиркорларга ижарага бериш тартибини соддалаштириш бўйича таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>                     | <p>2023 йил ноябрь</p>                                                  | <p>Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Адлия вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар</p>                                                                  |
| 30.                                                                          | <p>Темир йўл транспорти ерларининг муҳофаза зоналари ва ажратилган чегара минтақаларидан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш.</p> | <p>Темир йўл транспорти ерларининг муҳофаза зоналари ва ажратилган чегара минтақаларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>                                                                      | <p>2023 йил ноябрь</p>                                                  | <p>Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ</p>                                                     |
| <b>VII. Соҳанинг кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш</b> |                                                                                                                                  |                                                                                                                                                                                                                                     |                                                                         |                                                                                                                                                                           |
| 31.                                                                          | <p>Профessional таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш.</p>                                                                   | <p>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги: профессионал таълим муассасалари ўқув режаларини соҳанинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, такомиллаштириш;</p>                                                              | <p>ҳар йили</p>                                                         | <p>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ</p>                                                                                                                                      |

|     |                                                                                                                                                                                 |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |                                           |                                                    |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------|----------------------------------------------------|
|     |                                                                                                                                                                                 | профessional таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш квотасини соҳанинг ривожланиш истиқболидан келиб чиқиб белгилаш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |                                           |                                                    |
| 32. | Олий таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш.                                                                                                                                 | <p>Тошкент давлат транспорт университети билан ҳамкорликда университетда мавжуд темир йўл транспортига оид таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўқув режаларини соҳанинг техник-технологик ва иқтисодий ривожланиш истиқболларини инобатга олиб такомиллаштириш ва янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш.</p> <p>Тошкент давлат транспорт университетида талабаларни қабул қилиш квотасини шакллантиришда соҳанинг техник-технологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.</p> | <p>ҳар йили</p> <p>ҳар йили</p>           | Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 33. | Хорижнинг етакчи олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш кўламини янада кенгайтириш.                                                                                  | <p>Узоқ ва яқин хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва алоқаларни мустаҳкамлаш.</p> <p>Соҳанинг техник-технологик ва иқтисодий ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб хорижнинг етакчи олий таълим муассасаларида тор доирадаги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш.</p>                                                                                                                                                                                                                                             | <p>2023–2024 йй.</p> <p>2023–2026 йй.</p> | Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 34. | Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар талабларидан келиб чиқиб, кадрларни (юқори ва ўрта бўғин раҳбарлари, оммавий касб ишчи-хизматчилари) қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш. | Соҳанинг техник-технологик ва иқтисодий ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, тасарруфидаги Кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказида мавжуд ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | 2023 йил декабрь                          | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ                      |



|     |                                                                                                                               |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |                                           |                               |
|-----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------|-------------------------------|
|     |                                                                                                                               | <p>Минтақавий темир йўл узелларида ташкил қилинган техник-ўқув машғулотилари марказлари фаолияти кўламини кенгайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги таълим дастури бўйича дуал таълим шаклида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ходимларини Германиянинг “KfW” банкининг грант маблағлари ҳисобидан ўқитиш ва малакасини ошириш.</p> | <p>2023–2024 йй.</p> <p>2023–2024 йй.</p> |                               |
| 35. | Темир йўл транспорти соҳасида хорижий профессионал таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини ташкил этиш.           | Хорижнинг етакчи профессионал таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, махсус таълим дастурлари бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш.                                                                                                                                                                                                                                                                   | 2023 йил ноябрь                           | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 36. | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ да АКТни ривожлантириш ва рақамлаштириш соҳасида фаолият юритаётган ходимлар малакасини ошириш. | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда АКТни ривожлантириш ва рақамлаштириш соҳасида фаолият юритаётган ходимлар малакасини ошириш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                  | 2023–2026 йй.                             | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 10 октябрдаги ПҚ–329-сон қарорига  
2-илова

**Темир йўл транспорти соҳасида ислоҳотларни мувофиқлаштириш бўйича  
идоралараро комиссия  
ТАРКИБИ**

- |                 |                                                                                                           |
|-----------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| А.Ж. Раматов    | – Бош вазирнинг ўринбосари, <i>Идоралараро комиссия раиси</i>                                             |
| Ж.А. Қўчқоров   | – Бош вазирнинг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири, <i>Идоралараро комиссия раисининг ўринбосари</i> |
| И.Р. Махкамов   | – транспорт вазири                                                                                        |
| А.Д. Ташкулов   | – адлия вазири                                                                                            |
| А.Ж. Ортиков    | – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори                                                         |
| Ш.Ш. Шарахметов | – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси                         |
| Б.Б. Ходжаев    | – иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари                                                               |
| И.Ш. Наримов    | – Транспорт прокурори                                                                                     |
| З.Г. Нарзуллаев | – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси в.б.                                                      |
| М.Б. Жуманиязов | – Вазирлар Маҳкамаси котибияти мудирини, <i>Идоралараро комиссия котиби</i>                               |

**Изоҳ.** Идоралараро комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 10 октябрдаги ПҚ–329-сон қарорига  
2а-илова

**Темир йўл транспорти соҳасида ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича  
идоралараро комиссия ҳузуридаги ишчи гуруҳ  
ТАРКИБИ**

- |                  |                                                                                                                 |
|------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Б.Б. Ходжаев     | – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари, <i>Идоралараро комиссия ҳузуридаги ишчи гуруҳ раҳбари</i>              |
| М.Б. Жуманиязов  | – Вазирлар Маҳкамаси котибияти мудири, <i>Идоралараро комиссия ҳузуридаги ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари</i> |
| Б.Д. Максимкулов | – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими                                              |
| О.А. Пекось      | – рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари                                                           |
| А.Н. Каримов     | – адлия вазири ўринбосари                                                                                       |
| Ж.Э. Чориев      | – транспорт вазири ўринбосари                                                                                   |
| А.Э. Миралиев    | – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари                                                    |
| А.У. Каюмов      | – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари        |
| Ф.Ж. Пулатов     | – Кадастр агентлиги директори                                                                                   |
| Х.Н. Рахметов    | – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари в.б.                                     |
| З.М. Астанов     | – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқарма бошлиғи, <i>Идоралараро комиссия ҳузуридаги ишчи гуруҳ котиби</i>      |

**Изоҳ.** Идоралараро комиссия ҳузуридаги ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 10 октябрдаги ПҚ–329-сон қарорига  
3-илова

2023–2025 йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда  
рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

| T/p                 | Чора-тадбирлар номи                                                                                                                                                                   | Амалга ошириш механизми                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | Муддати                                                                                    | Масъуллар                                                                                 |
|---------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------|
| I. Умумий масалалар |                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |                                                                                            |                                                                                           |
| 1.                  | Халқаро консултантни жалб қилган ҳолда темир йўл транспорт соҳасини рақамлаштириш даражасини аниқлаш бўйича аудит ўтказиш ҳамда рақамли темир йўл стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш. | <p>1. Лойиҳанинг техник ва тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>2. Халқаро консалтинг компаниясини жалб қилиш мақсадида тендер савдоларини ўтказиш ва ғолиб компания билан шартнома имзолаш.</p> <p>3. Темир йўл транспорт соҳасини рақамлаштириш даражасини аниқлаш бўйича аудит ўтказиш.</p> <p>4. Аудит ҳисоботи асосида Рақамли темир йўл стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> | <p>2024 йил январь</p> <p>2024 йил март</p> <p>Шартнома асосида</p> <p>2024 йил август</p> | Транспорт вазирлиги,<br>Рақамли технологиялар вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |



| II. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш |                                                                                                                                                                                                                                                                              |                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |                                                                               |                               |
|-------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------|
| 2.                                                          | Йўловчи ташишни бошқаришнинг автоматлаштирилган миллий тизимини жорий қилиш.                                                                                                                                                                                                 | <p>1. Лойиҳанинг техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>2. Лойиҳа техник ҳужжатларига мувофиқ автоматлаштирилган миллий тизимни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Автоматлаштирилган миллий тизимни амалиётга татбиқ этиш.</p>                                          | <p>2024 йил август</p> <p>2025 йил июнь</p> <p>2025 йил декабрь</p>           | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
